O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG’ISTON
RESPUBLIKASI

AMUDARYO TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

O’ZBEKISTAN RESPUBLIKASI’
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI’

A’MIWDA’RYA RAYONI
HA’KIMININ’
SH’ E SH I M I

Амударё тумани **№ 496** **2019 йил 26 декабрь**

Светофор ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда) 5,7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон) мувофиқ туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, содир бўлаётган йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш мақсадида ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг мурожатини инобатга олиб, Ўзбекистон Репубикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон) 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман Ички ишлар бўлимининг 2019 йил 25 ноябрдаги 12/3559-сонли мурожаати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Амударё тумани ҳудудидан ўтувчи **4р-160** “Урганч ш. – Манғит ш. – Туркманистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 76 км., **4к6** “Манғит шаҳри катта айланма йўли” кесишмасида янгидан светофор ўрнатишга рухсат этилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонасига (У.Полванов), туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (Д.Аминов) билан биргаликда Амударё тумани ҳудудидан ўтувчи **4р-160** “Урганч ш. – Манғит ш. – Туркманистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг

76 км., **4к6** “Манғит шаҳри катта айланма йўли” кесишмасида янгидан светофор ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;

4. Аму ТВ “Тараққиёт кўзгуси” газетаси муҳарририга (Ғ.Ешниязов) ушбу қарор “Тараққиёт кўзгуси” газетасида эълон қилиниши, туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати рахбари (Ч.Арслонова) расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

5. Қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ж.Наримов зиммасига юклатилсин.

Амударё тумани
ҳокими **С.Йўлдашев**

ASLIGA TO'G'RI
Amudaryo tuman hokimligi
Devon mudiri